

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
18 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 75 (12607)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Куйи Чирчиқ тумани

ЭЛЛИК БИР КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Туман прокуратураси ташаббуси билан қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежида ҳокимлик, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, ички ишлар бўлими ҳамда бошқа қатор ташкилотлар иш-тироқда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

20 дан зиёд корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари ўзларидagi 95 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шу кунги ярмаркада 51 фуқародан 38 нафарига ишга жойлаштиш учун йўлланма берилди, 13

нафари ўзи учун зарур маслаҳатлар олди. Шунингдек, 2013 йилда олий ўқув юртлири ва касб-хунар коллежларини битирган 13 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. **Шахло ФАЙЗИЕВА.**

Кибрай тумани

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ҚЎЛ КЕЛДИ

Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида ҳам навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда 28 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари 500 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасига ижтимоий меҳнат билан

банд бўлмаган аҳоли, уй бекалари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари ўз қизиқиши ва касб йўналиши бўйича муножират этдилар. Шу кунги 48 киши ишга жойлаштирилди йўлланмасига эга бўлди. Мутахассислар 40 дан зиёд фуқароларга касб йўналишлари бўйича зарур маслаҳатлар беришди. **Умида ИСАЕВА.**

Зангиота тумани

МАҲАЛЛАЛАРГА КОМПЬЮТЕР

"Эски қалъа" маҳалла қўмитасига "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими компьютер жамланмаси ажратди.

Энди ишимиз янада энгиллашади, – дейди маҳалла оқсоқоли Адхам Йўлдошев. Шу кунгача "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими 75 та маҳаллага, ҳомийлар эса 36 та маҳаллага компь-

ютер жамланмалари олиб берди. Тумандаги 154 та маҳалланинг 111 таси замонавий техникага эга бўлди. Қолганлари ҳам навбати билан таъминланиши кўзда тутилган. **Ўз муҳбиримиз.**



ИЛК МАҲСУЛОТИМИЗНИ СИЗГА ИЛИНДИК

Кибрайлик Гулнора Тўхтаназарова ўзида йўқ хурсанд. У Ўзбекистон маданияти ва санъати форумининг янги иш ўринларини яратиш лойиҳаларида иштирок этиб, 14 миллион сўмлик грант соҳибаси бўлди. Бу мабсағ эвазига Қўшқоқ қишлоғининг "Ҳосилдор" маҳалласида тикувчилик цехи очди.

– Ҳозирча 4 та тикув машинаси харид қилдим, – дейди тадбиркор. – Илк маҳсулотимизни бутун умрини халқ хизматида бағишлаган 90 ёшли Мелиха аяга тортиқ қилиб, у кишининг дуои фотиҳаларини олдим. Тадбиркор иш фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаса-да, хайр-саховат кўрсатишга ҳам улгурди. Яқинда маҳаллада катта хайрия тadbiri ўтказди. Умидаҳон ва Хайитбойнинг никоҳ тўйи уч нафар ўғил боланинг суннат

тўйларига улашиб кетди. Тадбирни ўтказишда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, "Мутал ота", "Маҳаммадхон ота" фермер хўжаликлари ва бошқа кўплаб кишилар тадбиркор Гулнора Тўхтаназаровани қўллаб-қувватлашди. – Халқимизнинг мурув-ватпешчилиги, бағри кенглиги ва меҳмондўстлиги ана шундай кезларда яққол кўринар экан, – дейди маҳалла раиси Фотима Ори-



пова. – Чунинчи, маҳалладошимиз Анвар Шерзоодов тўйболаларининг ҳар бирига велосипед туғфа қилди. Келин-куевларимиз ҳам сарпо-сурқисиз қолмади. Тўйнинг файзли ўтишида

Мўқимий номидаги мусикали драма театри актёри Мирза Азизов ва туман маданият уйи санъаткорлари хизмат кўрсатишди. **Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

"Ўзавтосаноат"

акционерлик компанияси ва "ЛУКОЙЛ" нефть компанияси (Россия) биргаликда мотор мойлари ҳамда техник суюқликлар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилишда ҳамкорликка келишиб олишди.

МОТОР МОЙЛАРИ ЭКСПОРТГА

"Ўзавтосаноат" АК раисининг ўринбосари Тоҳиржон Жамалов ва "ЛУКОЙЛ" ОАЖ вице-президенти Вадим Воробьев бу йўналишдаги узаро келишув меморандумини имзолашди.

Меморандумда 2013 йил июндан буён мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган UzautoOil мотор мойларини фақат Ўзбекистонда эмас, балки Урта Осиё давлатларида ҳам сотилиши кўзда тутилган.

Шу билан биргаликда "ЛУКОЙЛ" нефть компанияси "Ўзавтосаноат" акционерлик компаниясига мамлакат ҳудудида мойлаш материаллари ва техник суюқликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод қурилиши бўйича маслаҳат-ёрдам хизматларини ҳам тақдим этади. **"Туркистон-пресс".**

Пахта – 2013

ХОЛИС НИЯТ, ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН БОШЛАНДИ

Ниҳоят, вилоятимиз пахтакорлари орзиқиб кутган кунлар келди. Чаноқлар қийғос очилган далаларда оммавий терим бошланиб кетди. Аънамага кўра, вилоятимизда ҳар йили пахта йиғим-терими бошланиши олдиндан фахрий деҳқонлар, кўпни кўрган нуруний отахону онахонлар бир пиёла чойга таклиф этилиб, уларнинг дуои фотиҳалари олинди. Зеро, яхши ният билан бошланган ҳар қандай ишнинг охири хайрли бўлади.

Бу йил ҳам ушбу аънамага амал қилиниб, вилоятимизнинг фахрий деҳқонлари, уста пахтакорлари, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида узоқ йиллар самарали



меҳнат қилиб, эндиликда исзат-ҳурматда қариллик гаштини сураётган кекса отахон ва онахонлар Янгийўл туманидаги "Фаровон" ресторанига таклиф этилди. Вилоят



тимиз дала ва боғларида етиштирилган ноз-неъматларга тўла дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Ўтган ҳамда бу йилги мавсумларда пахтачилик,

ғаллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик каби зиротчиликнинг асосий тармоқларида энг оқори ҳосилдорликка эришган, шартнома мажбуриятларини ортиги билан бажариб, вилоят қишлоқ хўжалиги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган фидойи фермерларнинг меҳнатлари алоҳида қадрланди. Вилоят ҳокими Аҳмадхон Усмонов уларга Damas, Nexia, Lacetti, Captiva машиналарини қалитини топишди.

Аънавий тадбир якунида нуруний кексалар дуога кўл очиб, беистисно барча пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилган деҳқонларнинг меҳнатига хайру ажримлар, яхши ният ва катта умид билан бошланган йиғим-терим мавсуми муваффақиятли яқунланиб, деҳқонларимизнинг юзлари ёрғ бўлишини тиладилар. **Даврон АҲМАД олган суратлар.**

2014 йил ҳосили учун

Бу йил Оҳангарон туманидаги 285 та фермер хўжалиги қабул пунктлари билан тузилган шартномага мувофиқ 9360 гектар сугориладиган ва 3650 гектар лалмига 2014 йил ҳосили учун кузги ғалла экиши лозим. Шу боис фермерлар тасарруфидаги 13 та, муқобил машина-трактор паркларининг

7 та, жами 20 та сеялка мавсумга аввалдан пухта созлаб қўйилган эди. Экиш мавсумига ҳар жихатдан мукамал тайёрликка курилган туйғайли олди фермер хўжалиқларида кузги ғалла уруғини сеппи аввали йиллардаги нисбатан анча барвақт – 7 сентябрдаёқ бошлаб юборилди.

ЙИГИРМАТА СЕЯЛКА ТИНИМСИЗ ҲАРАКАТДА

– Вилоят ҳокимлиги бу йил кузги ғаллани 15 октябрдан тўлиқ экиш олиш вазифасини қўйди, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари ўринбосари Жавлон Юсуфалиев. – Шунинг билан бир қаторда, ерларни тайёрлаш ва экишни ҳам янги тартибда бошладик. Фермерлар ғалла учун ажратилган майдонларни бир бошдан тайёрлаб, бириктирилган экиш отрядларини хабардор қилишпти. Отрядлар ҳам ўз навбатида тайёр майдонларга тезда уруғ қадаб, навбатдаги буюртмани бажаришга ўтишпти.



Лалмига эса, вилоят ҳокимлигининг талабига мувофиқ сентябрнинг биринчи кунларидаёқ экишни бошлаб юборганмиз. Туманда ғалла экиш отряд усулида ташкил этилган яхши самара бераётган. Экиш отрядлари майдонларнинг тайёрлигига қараб, бир фермер даласидан иккинчисиникига ўтиб ишлаб, ҳам вақтдан, ҳам суръатдан ютаётган. Навбат билан тайёрланган ерларга пеш-пеш уруғ қадаб борилапти. Бунда ҳар бир сеяланинг кунига 20 гектар уруғ экиш имконияти борлиги аниқ ҳисобга олинган.

Мавсум тартибли таш-

кил этилаётгани сабабли экиш суръатининг ривожига ҳам чакки эмас. Ҳозиргача 1500 гектарга яқин майдонга уруғ қадаб бўлинди. Сурват кун сайин ошиб боришига қараганда, мавсумнинг белгиланган мuddатда яқунланишига шубҳа йўқ. – Кечаги кунгача 20 гектарга ғалла экиб бўлдик, яна 15 гектар майдон тайёр бўлди, – дейди "Файз Қораота" фермер хўжалиги раҳбари Икром Файзиев. – Отряд усулида экишнинг афзал жихатларидан бири шу эканки, ерларни бир бошдан сифатли тайёрлаб бориш имконияти бемалол бўларкан. Демак, яхши тайёрланган майдонга

мақбул мuddатда экилган уруғлик, текис ва тўлиқ униб чиқиб, барвақт илдиқ отади ва қалин туپлаб, қиш-қаровли кунларгача, совуққа бўй бермайдиган даражада бақувват ривожланиб олади. Демак, фермер 50-60 центнерлик хирмонга бемалол умид боғлайверса бўлади.

СУРАТДА: (чапдан ўнганга) «Устараҳмон келажаги» фермер хўжалиги ишчилари Алишер Исоқулов ва Абдужаббор Исоқулов кузги ғалла экиш жараёнида. **Даврон АҲМАД олган сурат.**

Мутолаа



Пискентлик Собиржон Иномов вилоятимизда яшаб, ижод қилаётган таниқли адиблардан бири. Кўп йиллар турганининг "Пискент ҳаёти" ижтимоий-сиёсий газетасида меҳнат қилган Собиржон Иномов "Қўмаш" (2005 йил), "Нажот кўприги" (2006 йил), "Тун бағри-

даги шарпа" (2007 йил), "Ҳаёт иншоиси" (2008 йил), "Чинорлар узоқ яшайди" каби қисса ва ҳикоялардан иборат тўпламлар муаллифи. Истеъдодли журналист ва адиб меҳнатлари эвазига Ватанининг юксак мукофоти – "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган.

ОДАМИЙЛИК САБОҚЛАРИ

мактаби дея бошига кўтарган...

Собиржон Иномов асарларида ибрат мактаби бўладиган жиҳатлар оз эмас. Асосан қишлоқ одамлари бўлган асар қаҳрамонлари фелъ-атворидаги орият, номус, садоқат, меҳр-муҳаббат, эзгулик, ҳалоллик каби фазилатлар, назаримизда, ўқувчи учун айнан шундай ибрат мактаби вазифини ўтайди.

Суюкли хотини Буолманинг хиёнатидан сўнг янги қурилаётган уйи ва она қишлоғидан бош олиб чиқиб кетган бир сўзли Тошмурод овчи ("Булоқбошлик Тошмурод" кассаси), қадрдон гўшасига гард юқтирмайдиган ва ор-номусни хар нарсадан юксак биладиган Самар бобо, ориятли Эрму-

ҳаммад ("Осмоннинг устунини"), бор-йўғини ёлғиз фарзандига фидо этган Сарви опа, изланувчан ўқитувчи, қишлоқ зиёкори – Суннатилла ("Коровул") ҳақиқий ибрат мактаби бўла оладиган қаҳрамонлардир.

Одобни одобсиёздан ўрган, дейди доно халқимиз С. Иномов ҳикояларидаги такаббур Муродилла амалдор ("Осмоннинг устунини"), тижоратчи Солтодди ("Чирогой ёнқ уй"), мунофиқ Облоқул домла каби образлар ҳам борки, уларнинг кирдиқорлари ўқувчида нафрат уйғотиш асосида ижобий қаҳрамонлар фазилатларига янада ёркинроқ бўёқ беради.

С. Иномов ҳикоялари қаҳрамонлари асосан қишлоқ одамлари бўлиб,

воқеалар ҳаётий, кундалик турмуш кечинмалари. Улар орасида тўқима ва ясама образлар йўқ. Ҳикояларнинг ютуғи, эҳтимол, камчилиги ҳам шунда. Ютуғи – уларнинг тўғридан-тўғри ҳаётдан олинганлиги. Камчилиги эса, муаллифнинг ижодий имкониятларига эрк беравермаганида. Агар ижобий ва салбий қаҳрамонлар фелъ-атворида, воқеликнинг ўзига ҳам ёзувчи фантазияси билан ишлов берилганида, эҳтимол, асарлар янада жозибадор, мураккаб ва мукамаллик касб этган, воқеалар ривож янада шиддатлироқ тус олган бўларди.

Аммо, асосий гап – ижодкорнинг оддий ҳаётий воқеаларни, кундалик турмуш кечинмаларини саралаб,

ибратли ҳикояларга айлантирилганлиги.

Тасаввур қилинг: йўлақда бир дон атиргул оёқости бўлиб ётибди. Қанчадан-қанча йўловчилар ўтапти-ю, лекин унга ҳеч ким эътибор бермапти. Ногоҳ бир йўловчи гулга эътибор қаратади, бу ҳолатдан таъсирланиб кетади: "Бу гул қувончи дилга, кучоғи гулга сигмай қолган бахтиёр лаҳзалар гувоҳими ёки поёнига етган муҳаббатнинг аламзада қурбоними?" Фақат ижодкорлардагина шундай кечинмалар бўлади, ундан таъсирланади. Шу туйғулар ижод бўлган кўзини очиб юборади.

Собиржон Иномов ҳам йўлақда ётган атиргулни кўриб, таъсирланган йўловчи каби ҳаёт ташвишлари, турмуш иқир-чиқирлари ичидан ибратли воқеа-ҳодисаларни саралайди. Уларни ижодкорлик нигоҳи билан илғаб, қалб ҳарорати ила қайта жонлантиради, рангин туйғулар билан ҳаёт манзараларини яратди, унга баҳоли қудрат сайқал бериб, бадиий биткига айлантиради, яхши асар даражасига кўтаришга интилади.

Ўйлаймики, Собиржон Иномовнинг "Кўзлари нигорон" тўпламини муҳлислар қизиқиши билан мутолаа қиладилар.

Маъмурият БЗОРАЛИЕВ.



МЕРКЕЛЬ САФДОШЛАРИ САЙЛОВДА ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ

Христиан-социалистик иттифоқ партияси (ХСИ) Бавария минтақавий парламентида сайловларда ғалабага эришди, деб хабар тарқатди AFP агентлиги.

Сайлов участкаларида ўтказилган сўров натижаларига қараганда, ХСИ 49 фоиз овоз олди. The New York Times газетасининг тушунтиришича, Германиядаги сайловлар

ўзига хос жиҳатларга эгалиги ҳисобга олинса, ХСИ 180 ўринли минтақавий парламендта 100 дан зиёд мандатни қўлга киритиши, шунингдек, Бавария ҳукуматини мус-



тақил равишда тузиши мумкин.

ХСИ – Ангела Меркелнинг Христиан-демократик иттифоқ (ХДИ) партиясининг энг яқин сафдоши. Германия парламентида яқинда бўладиган сайловларда иттифоқчилар сифатида қатнашади.

Германия бундестагида сайловлар 22 сентябрь, яқинда куни бўлиб ўтади.

ТЎФОН ТУФАЙЛИ АҲОЛИ КЎЧИРИЛАЯПТИ

"Манья" тўфони Япония соҳилларига етиб келгани боис мамлакатнинг 20 та префектурасида 500 мингга яқин хонадонга кўчиш ҳақида тавсия ёки мажбурий кўрсатма берилганини маълум қилди NHK агентлиги.



Кучли тўфон ўтган душанба кунини Япониянинг


марказий қисми соҳилларига етиб келди. Бир неча соат ичида 500 миллиметрдан кўпроқ ёғин ёғди. Тўфон марказида шамолнинг тезлиги секундига 25 метрга етди.

Сига, Фукуи ва Киото префектураларида кучли хатар эълон қилинди. Табиий офат аҳоли ҳаётига

ДОВУЛ ВА ПЎРТНА ҚЎРБОНЛАРИ

Reuters тарқатган хабарда айтилишича, "Мануэл" пўртнаси ҳамда "Ингрид" довули хуружи оқибатида Мексикада 17 киши ҳалок бўлди.

Одамларнинг ўлимига кучли жала оқибатида юз берган сув тошқинлари ва ер қўчишлари ҳам сабаб бўлди. Айниқса, Веракрус ва Тамаулипас штатлари фуқаролари табиий офатдан кўпроқ азият чекди. Ушбу ҳудудларда олти мингдан



зиед кишини хавфсиз жойга кўчиришга тўғри келди.

"Мануэл" пўртнаси Мексикага Тинч океани соҳиллари бўйлаб яқинлашиб келди ва шамолнинг тезлиги секундига 33 метрга, "Ингрид" довулининг тезлиги эса

хавф солганда шундай ҳолат юз беради. 500 га яқин ички рейслар бекор қилинди, поездлар ҳаракат жадвали қисман ўзгаририлди. Associated Press мамлакатнинг марказий ва жанубий қисмида 80 мингдан зиёд хонадон чирқосиз қолганини маълум қилди.

Табиий офат қурбонлари ҳақида тасдиқланган маълумотлар ҳали тарқатилмади. Уч киши бедарак йўқолди, 29 киши жароҳат олди.

Эзгулик

"Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак" дея кўп бора таъкидлайдилар Юртбошимиз. Аслида ҳам орамизда савобталлар оз эмас. Бу ҳақда аниқроқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида бир неча юртдошларимизга: "Сиз булун қандай савоб иш қилдингиз?" деган савол билан мурожаат этдик.

БОРИНГИЗГА ШУҚР, ЯХШИЛАР!

Ақром АБДУЛҚОСИМОВ, зангиоталик тадбиркор: – Ишонамиз ёнидаги ошхонада бир бева аёл ишлайди. Анчадан бери юмшоқ мебель тўплами сотиб олишни ният қилган экан. Ҳозир шу соҳада ишлаганим учун унга кўмак бергим келди. У танлаган мебелни цех нархидан арзонроқ қилиб, пулини тўлаб, олиб бердим. Энди у аёл пулими 3-4 ойда бўлиб-бўлиб, фоизсиз қайтаридиган бўлди.

Неъмат АХМЕДОВ, Қибрай туманидаги 3-болалар ва ўсириллар спорт мактаби раҳбари ўринбосари: – Эрталаб ишга кетаётсам, автобус бекати ўриндигида телефон ётибди. Қўлимга олдим, бир кўнглим "ўзингга қолдир" дейди, бир кўнглим "шайтоннинг гапига кирма" дейди. Тезда ақлимни йиғиштириб, "Уйим" деб телефон хотирасида сақлаб қўйилган рақамга кўнгироқ қилдим. Айтилган манзилда учрашиб, телефонни эгасига топширдим. Барчамизга одамийлик бурчимизни бажариш насиб этверсин!

Шаҳноза КАРИМОВА, ИИБ ходими: – Уйимизда мен ва фарзандларимнинг қиймлари тўпланиб қолибди. Қарасам, дардан ҳали чиқмаган, сифати ҳам яхши. Ташлашга кўзим қиймади. Ҳаммасини йиғиштириб, муҳтожроқ бир кўшимга чиқариб бердим. Қўшим раҳмат айтиб қувонди, мен эса жавонимда жой бўлаганидан хурсандман.

Бахтиёр ЭШОНОВ, парментлик ҳайдовчи: – Умримнинг кўпи йўлда ўтади. Одамларнинг узогини яқин, мушқулини осон қилаётганимдан мамнун бўламан. Йўлларда оғир юкларини кўтариб турган йўловчиларни кўрсам, тўхтаб, олиб кетаман, улар узундан-узоқ дуо қилишади...

Азиз газетхон, ён дафтаришимизда бундай қайдлар кўп. Аммо, одамийлик ҳақида гап очилганда, Сиздан ҳам сўрагим келди: Булун Сиз савоб иш қилиб, қимнингдир қорига ярадингизми? Ширин сўзингиз билан ёнингиздагиларнинг кўнглини кўтардингизми? Ҳа, дейсизми? Унда Сиз яхши одам экансиз. Борингизга шуқр, яхшилар!

Хуршида МҰМИНОВА.

САДОҚАТ СОҲИБАСИ

Барчиной акасининг уйига етиб келганида кун пешиндан оққан эди. Ҳаётнинг икки табақали, рангли уникиб кетган кўкиш дарвоза қия очик турарди. Қадрдон уйига энтикиб кирди. Сув тўла челақ билан ҳовли томонга сал оқсоқлини кетаётган янгасига кўзи тушди-ю, қалбини соғинч қамраб олди.

– "Эҳ, ҳаёт бунчалар бешафқат-а, кечагина навниҳолдек, бўй-баствлари келишган янгаси бугун анча кексайиб қолибди". Барчиной ўтган кунларни эслаб эзилди.

Кимдир таъкиб қилаётгандек туюлдики ёки қадам товушлари қулоғига чалинми, ҳар қалай Зебо опа орақсига ўтирилди. Соғинч билан қараб турган қайини-синглисига кўзи тушди.

– Ассалому алайкум янга, – Барчинойнинг овози титраб чиқди.

– Вой, айланай кетай сиздек йўқовчимдан, – қўлидаги сув тўла пақирларни ерга қўйди янга. – Тушимга оийм раҳматли кирибдизлар. Эрта билан аканингизга бугун Барчиной келиб қолади дегандим, – Зебо опа қайининглисини баргига босди.

– Акам, жияларим яхши юришибдими, ёёнгизнингнинг оғриги қолдими?, – деди Барчиной кўнгли бўшаб.

– Худого шуқр ҳаммамиз яхшимиз, қани уйга кириг.



Нега ҳеч ким кўринмапти? – уйга кираётиб сўради қайинингли.

– Ҳамма ишда, уй юмшлари, мол-ҳолга қараш акангиз иккимизга қолиб кетди, – деди Зебо опа дастурхон ёзар экан. – Майли, ишласа ҳам уларнинг бориға шуқр. Шулар деб юрибимизда бу дунёда. Акангиз ҳозир келиб қолади.

Барчиной янгасига зимдан тикилар экан, шу қинкина жуссали аёлнинг қалби меҳрга тўлалиги, чинакам садоқат соҳибаси экани ҳаёлидан ўтди. Ушанди қиш эди. Онасини ши-фохонадан қайтариб беришди. Дарди сира енгиллашаётгани учунми ё бу дунёдан умид учунлари сўнаётганини сездимми, Мамлакат ая келини Зебо-нон чақирди.

– Болам, мен энди тизалмайдиганга ўхшайман.

Орақда қолаётган фарзандларини сенга, сени эса Худого топширдим. Илло, болаларимнинг кўзёшини оқизма, ўзининг фарзандларингдек кўр. Ушанда сендан рози бўламан.

Орадан ҳафта ҳам ўтмади. Кўзининг оку қоралари уч фарзандини келинига омонат ташлаб, Мамлакат ая дунёдан кўз юмди. Барчиной 9-синфда, синглиси ва уқиси ҳам кўйи синфларда ўқирди. Онадан ёш қолган уч фарзандини янгаси ўз болаларидек тарбиялади. «Қайнонамнинг руҳи чирқирамасин» деб ўз фарзандларига бурда нон едирса, уларга бутунини раво қилди.

Вақт югурич, елдек ўтди-кетди. Қайнонамнинг омонати бўлган уч фарзандни уйли-жойли қилгунча, Зебо опанинг қора сочлари оқарди. Лекин ҳар қанча қийнаса ҳам бирор марта улар олдига уф тортмади. Баъзан ўз туққан боласидан мурувватини дариг тутганлар, етим-хоналарда катта бўлаётганлар ҳақида эшитганида, у янгасининг садоқатига таҳсин айтгани келди.

Хотирасидан сира-сира ўчмайдиган бу кунларни яна бир бор ёдга олар экан, чой кўтариб кириб келаётган янгасига Барчинойнинг меҳри товляниб кетди.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

Жинойятга жазо муқаррар

Маълумотларга қараганда ҳар йили дунё бўйича 2 миллион 800 минг киши одам савдоси жинойятдан азият чекар экан. Ҳар бир жабрдийданинг уйидаги маънавий муҳитнинг қай даражада чигаллашининг тасаввур қилаверинг.

Оилалардаги тинчлик-осудаликни сақлаш, одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш мақсадида дунё жамоатчилиги бу жинойятга қарши қатъий курашмоқда. Бирок, шунга қарамай, ҳамон бу тузоқ ўлжасига айланаётганлар камаймаяпти. Албатта, бу масалалар бир тарафлама қараб, баҳо бериб бўлмайди. Осон пўли топши илн-жида хорижга қилгани мақсад қилганлардан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолувчилар ҳам аслида текин даромад қидирган кимсалардир. Шу сабабли икки тарафни ҳам бирдек айбашга ҳаққимиз бор. Бундай дейишимизга асослар етарли. Жинойят

ҲАРОМХЎРЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

ишлари бўйича Қибрай туман суди кўриб чиқиб, ҳукм эълон қилган ишда ҳам бунга истаганча далил топши мумкин.

Судланувчилар Зулфия Нажмиддинова, Собир Мирсоатов ва Фуқрат Ахмедов одам савдоси каби жirkanқ ишдан ўзларини тиймадилар. Жирканчилиги шундаки, улар қизларни фоҳишаликқа сотишни касб қилиб олишган. Бу ишда бошқа воситачилар хизматидан ҳам унумли фойдаланишган. Суд жараёнида исм-шарифларини тўлиқ аниқлашнинг имкони бўлмаган Комила, Рома, Толик каби кимсалар судланувчилар топган қизларни қўшни Қозоғистон Республикасига олиб бориб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилганлар.

Зулфия Нажмиддинованин суддаги кўрсатмасига қараганда, укасининг турмуш ўртоғи Камола Қозоғистонда исловотхона очганини айтиб, ундан қизлар топиб беришини сўраган. Ҳар бир қиз учун 100-150 АҚШ доллари олишини айтган. Қизларни чегарадан олиб ўтишни эса Толик ва Ромага қўйиб беришни тайинлаган.

Қозоғистондаги фоҳишахонага "ичми" топши унчалик қўзилмади. Зебо Ҳайдарова, Камола Валиева, Алена Гаппарова ва Сарвиноз Мадатова иқтисодий жиҳатдан муаммолари борлиги сабабли бу таклифга мажбуран рози бўлишди. Бирок, бу масалада қизларнинг ақллари вақти-

да кириб қолди. Чунки, уларнинг фуқаролик паспортларини З. Нажмиддинова олиб қўйганди.

Улар бундай гаразли мақсаднинг олдини олиш учун Миллий хавфсизлик хизматига мурожаат қилишди. Ҳайдовчилар Собир Мирсоатов ва Фуқрат Ахмедов қизларни чегара томон олиб кетаётганларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан қўлга олиндилар. Бу икки ҳайдовчи Зулфия Нажмиддиновани олдидан яхши таниганлар, унинг шундай гаразли мақсаддаги илтимосларини қўлдан бериб бажариб келишган. Балки, бу ҳақда вақтида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар берганларида, ўзларига бундай ташвиш ортирмаган бўлардилар.

Рассом хандаси

Судланувчи Зулфия Нажмиддинова асли "тоза" аёл бўлмаганини қуйидаги ишдан ҳам кўриш мумкин. Қизларни Қозоғистонга жўнатиб юборишдан бир кун олдин З. Ҳайдарова ва К. Валиева унинг уйига келишди. Шу пайтда нотаниш йигит З. Нажмиддиновадан айш-ишрат қилиш учун қиз топиб беришни сўраб келди. З. Ҳайдаровани 30 минг сўм эвазига шу инфос ишга мажбур қилди. Суд ҳар бир ҳолатга муносиб баҳо бериб, ҳукм эълон қилди. Судланувчиларга қилмишларига яраша озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.



– Чекиш ва ичишнинг турган-битгани зарар-ку!..

Биз бу ўринда бирор шахсий фикр айтишдан тийиламиз. Бирок, одам савдосидек иллат оқибатини ҳар биримиз теран қиш қилиб, ҳамжихатликда қарши курашмас эканмиз, унинг илдини қирқолмаймиш, қишларини бу балодан азият чекишларига нўқта қўлмаймиш.

Ёрмат АСИЛОВ.

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA Boш муҳаррир Абдушохидов Маъмурият БЗОРАЛИЕВ. Маълумотлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Ташкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январьда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.